

## **11- мавзу. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бузганлик учун жавобгарликлар**

### **Асосий саволлар:**

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бузганлик учун жавобгарликларнинг шакллари ва турлари, муддатлари ва миқдорлари.
2. Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилиш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Жавобгарлик, интизомий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, жиноий жавобгарлик, моддий жавобгарлик, мансабдор шахс, хайфсан.

### **1. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бузганлик учун жавобгарликларнинг шакллари ва турлари, муддатлари ва миқдорлари.**

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

**Интизом жавобгарлиги.** Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган. Талабларни бажармаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилишига, касаллик, бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва бошқа ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Ҳодимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-модда).

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати

беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, - содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик хайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ишчилар корхона раҳбарлари, цех ва бўлим бошлиқлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиенаси-санитарияси талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

**Маъмурий жавобгарлик** қуйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар);
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва мусодара қилиш усули қўлланилади;
3. Тартиб бузувчининг шахсига тааллуқли бўлган жавобгарлик (оҳлок тузатиш ишлари, маъмурий-қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш бўйсунтириш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва район депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонун, қоида ва йўриқномаларни бузган, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар назорат органлари томонидан жарима солиш йўли билан тортиладилар. Меҳнат кодексига биноан жарима миқдори ўртача иш ҳақининг 20% гача, айрим ҳолларда 50% гача бўлиши мумкин.

**Моддий жавобгарлик** – Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ва тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Чегараланган моддий жавобгарликда саноат корхонасига етказилган зарар маъмурият буйруғига асосан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан бирдан ошмаслиги шарт билан) ушлаб қолинади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик жиноят содир бўлган тақдирда ва айбдор жиноий иш қилган бўлса, уни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда саноат корхонасига келтирилган моддий зарари ҳам тўлиқ қоплашга мажбур қилинади. Бундай жавобгарлик қарорларини туман ёки шаҳар суди органлари чиқаради. Бу ҳолда корхона маъмурияти томонидан айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши мумкин.

**Жиноий жавобгарлик.** Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса ёки бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айбланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озидликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Бунда маъмурий ва техник ходимларнинг меҳнат муҳофазаси конунларини, техника хавфсизлиги қоидаларини, ишлаб чиқариш санитарияси талабларини билмасликлари инобатга олинмайди.

Корхоналарида ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат муҳофазаси ҳолатлари учун жавобгарлик корхона директори, бош муҳандис, уларнинг ўринбосарлари, бош механик, бош энергетик, фабрика мудирлари, цех бошлиқлари ва смена усталарига юкланади.

## 2. Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилиш.

Тарғибот (лотинчада-тарқатишга мўлжалланган)- қандайдир ғоя, билимларни аниқ ва чуқур таништириш йўли билан тарқатишдир.

Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилиш бу ишларни хавфсиз бажаришга олиб келадиган сифатларни шакллантириш мақсадида ишчиларга хиссий (эмоционал) ва ахборотли таъсир қилишдир.

Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилишдан асосий мақсад ишчиларни хавфсизлик масалаларига ижобий муносабатини шакллантиришдан иборат. Бу масалани ечишнинг энг самарали усули ишчиларни хавфсиз ишлашга руҳлантиришдир.

Мавжуд тарғибот ишларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

- **бир каналли**, қайсики таъсир йўли мавжуд, лекин бу таъсирни қабул қилинганлигини назорат қилувчи бевосита жавоб қилувчи алоқа йўқ.
- **икки каналли**, қайсики таъсир жараёнида унинг қабул қилинганлигини назорат қилиш мумкин.

Бир каналли таъсир воситаларига босма нашрлар (газета, журналлар, брошюралар, ахборот варақлари), плакатлар, хавфсизлик белгилари, деворий газеталар, постерлар, меҳнат муҳофазаси бўйича бурчаклар, кўргазмалар, маърузалар, хабарлар, аудиовизуал воситалар ( телевидения, кино, радио эшиттириш, диафильмлар) киради.

Икки каналли таъсир воситаларига суҳбат, ишчилар билан бахтсиз ходиса ва жароҳатланишни олдини олиш йўллариини жамоавий муҳокама қилиш.

Ҳар бир тарғибот усулларидадан қўйилган масалани ечишга ёрдам берадиганини танлаб олиш керак.

Қуйидаги жадвалда меҳнат муҳофазаси тарғиботининг асосий масалаларини ечишга таъсир этувчи бир каналли усулларни ярайдиганлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Меҳнат муҳофазасини тарғиб қилиш масалалари	Меҳнат муҳофазасини тарғибот усуллари			
	плакатлар	маърузалар, хабарлар	босма текстлар	ТВ, кино
Оддий ишларни хавфсиз бажаришга ўқитиш	++	++		
Ишнинг бориши ҳақида қисқача тушунтириш	+	++	++	+
Бахтсиз ходисаларнинг сабабларини тушунтириш			++	++
Ҳимоя воситаларидан			++	++

фойдаланиш тушунтириш	бўйича				
Бахтсиз хабар бериш	ходиса ҳақида				++

Тарғибот материалларидан хавфсиз ишлаш умумий чақириғи сифатида фойдаланиш керак эмас. Аниқ ҳаракатлар усули ва унинг қандайлиги кўрсатилган чақириқлар фойда келтириши мумкин.

Хавфнинг қандай ва қачон пайдо бўлиши, унинг таъсирини олдини олиш йўллари тушинтирилмаган умумий кўрсатмалар самарасиздир.

Меҳнат муҳофазаси масалаларида иш бўйича ҳар доим аниқ гапириш, бунда стандарт ва ўргатилган сўзлардан қочиш керак. Бунда биз таъсир ўтказмоқчи бўлган ишчи балки у нарса ҳақида хали кам билиши ва қилаолиши мумкинлигини ҳисобга олишимиз керак. Тарғибот ва тарбиявий таъсирни амаога ошириш учун тўғри келадиган вақт ва жойни танлаш жуда муҳимдир.

Хавфсизликни тарғибот қилишни қўрқитиш усулида шакллантириш мумкин эмас. Қўрқув хиссини уйғотиш тарбиявий таъсирга умумий салбий муносабатни ва умуман бўлган салбий муносабатни шаклланишига олиб келади. Тарғиботнинг таъсир усуллари унинг объектлари ўзлари тўқнаш келган саволлар бўйича яхши маълумотларга эга бўлгандагина фойдали самара беради. Шундай қилиб, таъсирнинг бундай турини касбий ва меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилган ишловчилар учун қўллаш мумкин.

Таъсир усулини танлашда жамоа ва ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси масалаларига ва бу гуруҳ масалаларининг келажаги порлоқлигига ҳамда бир қатор ижтимоий омилларга қизиқиши даражасини ҳам ҳисобга олиш керак.

Ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси тарғиботининг у ёки бу воситаларга муносабатини қуйидаги қонуниятлари мавжуд:

- хавфсизлик масалаларига қизиқувчи ишчилар плакатларни таъсир этишнинг самарали воситаси деб ҳисоблайдилар, бу масалага бефарқ бўлмаганлар конофильмларни танлайдилар;
- ММ масалаларига ижобий қаровчи ишчилар, жамоадошлар ва раҳбарлар суҳбатни фойдали деб ҳисоблайдилар;
- ММ масалалари билан қизиқувчи ишламайдиганлар, хавфсизлик масалаларига қизиқиши юқори бўлган меҳнат жамоаси аъзолари адабиётларни самарали тарғибот воситалари деб ҳисоблайдилар.

ММ бўйича тарбиявий ишларни яна бир самарали йўли бу қуйи ва юқори бўғин раҳбарларини то бригадиргача ва бу ишга яна жамоа ишчиларини ўзини ҳам меҳнат муҳофазаси даражасини баҳолаш ва уни ошириш учун воситаларни топишга жалб қилишдир.

ММни тарғибот қилишининг энг кенг тарқалган усулларида бири бу плакатлардир. Уларнинг асосий вазифаси ишчиларни хавфсиз ишлашга руҳлантириш учун хавфнинг табиатини очиш, ишчиларга уни нима учун ва қандай қилиб пайдо бўлишини тушунтиришдир.

Плакатларнинг турли кўринишлари мавжуд:

- ижобий, меҳнат хавфсизлигини афзалликларини таъкидловчи;
- кўрқитувчи, меҳнат муҳофазаси бўйича талабларни бузишдан келиб чиқадиган зарарларни кўрсатувчи;
- нейтрал, хиссий бўрттирилмаган кўрғазмасиз тавсиялар ва уларнинг бажармаслик оқибатларини баҳосидан тузилган;
- кулгили, ижобий плакатларнинг юмористик турли хиллиги;
- аралаш, юқоридагиларни ўзида мужассамлаштирган.

Юқорида санаб ўтилганлар ичида энг ишонарлиси аралаш плакатлардир. Унда хавфнинг характери, унинг таъсири ва химояланиш усули ҳамда самарадорлиги ҳақидаги тасаввурни уйғотишга имкон берадиган сюжет бор.

Бундан ташқари саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тарғибот қилиш ва хавфсизлик техникаси йўриқномаларидан ўтказиш учун мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хонаси ташкил қилинади.

Корхонадаги меҳнат муҳофазаси хонаси меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис-техник ходимлар ишчи ва хизматчиларнинг билимларини ошириш, уларнинг хавфсизлик техникаси қоидаларини ҳамма талабларини онгли равишда бажариш руҳида тарбиялашнинг ўқув-услубий маркази бўлиб хизмат қилади. Бу хонага меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис бевосита раҳбарлик қилади. Қурилиш меъёр ва қоидаларига мувофиқ хавфсизлик техникаси хонасининг майдони ишчиларнинг рўйхатдаги сонига боғлиқ ҳолда танланади. Улар 1000 та бўлганда -24 м<sup>2</sup>, 1001 дан 3000 тагача -48 м<sup>2</sup>, 3000 дан 5000 тагача бўлганда -72 м<sup>2</sup> бўлади. Хонада ўқув маълумотнома-услубий ва кўрғазма бўлимлари жиҳозланади. Хонадаги ишларни йўлга қўйиш, унинг иш режасини тасдиқлаш корхона бош муҳандисига юклатилади.

Хонада кириш йўриқномаси ўтказилади, ишчи, хизматчи ва муҳандис ходимлар меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилади. Ўқув мақсадларида макетлар, кўрғазмали куроллар, плакатлар, йўриқномалар, коржома ва махсус пойафзал ҳамда химоя воситалари андозаларидан, ишга яроқли, яроқсиз асбоб-ускуналар намуналари билан жиҳозланган стендлар, диафильмлар, диапозитив ва кинофильмлардан фойдаланилади.

Ишчилар билан йиллик техникавий минимумлар, муҳандис-техник ходимлар билан ойлик кенгашлар ўтказишда тематик кинофильмлар кўрсатиш зарур, шунда меҳнат муҳофазаси қоидалари ишловчилар ёдида қолади. Меҳнат муҳофазаси бўйича билимларни ошириш мақсадида турли журналларда чоп этилган меҳнат муҳофазасига оид янгиликлар билан таништириш, меҳнат хавфсизлиги масалалари бўйича ишчиларга маълумот бериш учун цех ва бўлимларда меҳнат муҳофазаси бўйича бурчаклар ташкил этилади. Меҳнат муҳофазаси бурчакларида уч босқичли синов ўтказиш бўйича ҳужжатлар тўпланади, меҳнат муҳофазасига оид амалда бўлган барча йўриқномалар осиб қўйилади. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи инспекторлар илғор иш тажрибасини қўллайдилар, ўз корхоналари ҳамда

бошқа корхона ва тайёрлаш пунктларидаги меҳнат муҳофазаси борасидаги рационализаторлик таклифларини киритадилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган меҳнат хавфсизлигини тарғибот қилиш усулларида барчаси амалда катта самара беради ва меҳнат шароитини яхшилашга хизмат қилади

### **Ўз-ўзини текшириш учун саволлар**

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бузганлик учун жавобгарликларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Интизомий жавобгарликни шакллари, муддатлари ва миқдорларини айтинг.
3. Маъмурий жавобгарликнинг қандай турлари мавжуд?
4. Жиноий жавобгарлик қандай ҳолатларда белгиланади?
5. Моддий жавобгарлик қандай ҳолатларда белгиланади?
6. Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилишнинг қандай усуллари бор?
7. Меҳнат муҳофазасини тарғибот қилишда меҳнат муҳофазаси хонасини ўрнини айтинг.

### **Уйга вазифа**

Олий ўқув юртларида меҳнатни муҳофаза қилиш тарғиботини қандай усулларда амалга ошириш мумкин. Фикрингизни изоҳлаб ёзинг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
2. “Меҳнат Кодекси” Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. -Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
3. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. - Т.: 2002 й.; 1-сон.
4. Раҳимова Х., Аъзамов А.,Турсунов Т. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Т.- “Ўзбекистон”, 2003 й.
5. Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Меҳнат, 2001й.
6. «Безопасность жизнедеятельности». Под общей ред. проф. Белова С.В., М., «Высшая школа», 2000.
7. Кукин П.П. и др. «Безопасность технологических процессов. Охрана труда» М. «Высшая школа», 2000.
8. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, Маърузалар матни, ТТЕСИ, 2000.